



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажати  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2004 йил 28 декабрь, № 267 (3542)

Сешанба

## БУЮК КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-этиборини ошириш, халқимизнинг тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

2004 йилнинг 26 декабри ҳаётбахш ислохотлар ижобати билан боғлиқ муҳим сана сифатида улкан, оламшумул ишларимиз солномасига алоҳида саҳифа бўлиб киради. Зеро, худди шу кунни мамлакатимиз тарихида илк бор икки палатали парламентнинг Қонунчилик палатасига ва Сенатни шакллантириш учун асос бўлажак маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловларнинг демократик руҳда, миллий қонунчилик ва халқаро андозалар талаблари доирасида ўтишини таъминлаш мақсадида дунёнинг қарийб 40 давлатидан, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлардан 227 нафар кузатувчи иштирок этди. Юртимиз бўйлаб ташкил этилган 120 сайлов округи ва саккиз мингдан зиёд сайлов участкасида 14 миллиондан зиёд ҳамюртимиз ўз сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиши учун барча имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 декабрь кунини эрталаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасига овоз бериш учун ташриф буюрди.

— Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, эркин демократик фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислохотлар изчил давом эттирилади, — деди Ислам Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деган ширимизни рўбга чиқариш учун ана шундай изчиллик билан иш юритамиз.


Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши ана шу улғувор мақсадларимизни рўбга чиқаришда янада кенг имкониятлар очди.

Юртимиздаги сайлов жараёнларини кузатиб бораётган халқаро кузатувчиларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимига ўтишини демократияни мустаҳкамлаш ва тараққийлатишни янада юксалтириш йўлидаги янги одим деб баҳоламоқда.

Парламентда жамиятнинг турли қатламлари манфаатлари номён бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бугун сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлардан сайланадиган депутатлар янги парламентда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги борасидаги эзгу мақсадлар йўлида самарали фаолият юритишига ишонамиз.

Президентимиз журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

(ЎЗА).



СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 644-сайлов участкасида овоз бериш пайти.

Абдувоҳид ТҮРАЕВ олган сурат.

Владимир РУШАЙЛО:

## САЙЛОВ ҲАҚҚОНИЙ, ЭРКИН ВА ОШҚОРА ЎТДИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилар миссияси сайловларга тайёргарлик ва сайлов кунини овоз бериш жараёнини бевосита кузатиб борди. Миссия раҳбари, МДХ Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайло сайлов арафасида Хоразм ва Бухорода, сайлов кунини эса Тошкент шаҳрининг бир қанча сайлов округлари ва участкаларида бўлди. Жойлардаги сайлов участкаларида яратилган шарт-шароит билан танишди.

МДХ Ижроия қўмитаси раиси 27 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев билан учрашди.

Учрашувда мамлакатимизда кунини кеча ўтказилган сайловнинг дастлабки янунлари ҳақида сўз борди. Сайлов давомидан ҳозирги пайтга қадар Марказий сайлов комиссиясига сайловга оид қонунчилик бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида шикоятлар тушмади.

В.Рушайло шу йил 30 ноябрдан буюн Ўзбекистондаги сайлов жараёнларини кузатиш билан шуғулланаётган МДХ кузатувчилари миссияси фаолияти самарадорлигини таъминлаш йўлида яратилган зарур

ҳуқуқий ва ташкилий-техник шарт-шароит учун миннатдорлик изҳор этди.

Утган даврда МДХ давлатларидан 78 нафар кузатувчи сайлов жараёнлари билан танишганлиги қайд этилди. Уларнинг бир қисми узок муддатга келган кузатувчилар сифатида сайлов жараёнлари бўйича мониторинг олиб борди. Сайлов кампаниясининг барча босқичлари сайлов тўғрисидаги қонунчилик, Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарор ва йўриқномаларида белгиланган тартибда ҳамда муддатларда ўтганлиги диққатга лойиқдир.

Сайлов кунини МДХ кузатувчилари 113 сайлов округи ва 612 сайлов участкасида бўлиб, овоз бериш ва

овозларини санаш жараёнларини кузатди. Ҳамдўстлик вакиллари ҳозир бўлган барча участкаларда сайлов ўз вақтида бошланиб, хотиржам ва амалий руҳда ўтгани кузатилди. Сайлов жараёнларида бошқа халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар кузатувчилари, шунингдек, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этдилар.

МДХ кузатувчилари фикрини хулосалаб айтганидан бундан ташқил Парламентнинг қўйи палатасига сайлов ташкили жиҳатдан юксак даражада ўтганлиги эътиборга сазовордир, деди В.Рушайло. Ушбу сайлов миллий қонунчилик талаблари доирасида, ҳаққоний, эркин ва ошқора ўтганлигини эътироф этмади.

Шу кунини МДХ Ижроия қўмитаси раиси В.Рушайло МДХ кузатувчилар миссиясининг Тошкент шаҳридаги қароргоҳида матбуот конференцияси ўтказди.

Ғулом МИРЗО,  
ЎЗА мухбири.

Сўз — халқаро кузатувчиларга

## Озод халқ, иродаси

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловларни ўз кўзлари билан куриш учун дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатдан 220 нафарга яқин халқаро кузатувчи ташриф буюрди. Улар сиёсий таъбир ўтказилаётган кунини Марказий сайлов комиссияси, округ ҳамда участкаларда жойлардаги аҳвол билан яқиндан танишиб, бу борадаги таассуротлари билан ўртоқлашди. Куйида Тошкент шаҳридаги 2-Дархон сайлов округига қарашли сайлов участкаларига ташриф буюрган халқаро кузатувчиларнинг фикрлари билан танишасиз:

Фикримча, мамлакатингизда ўтказилганда сиёсий таъбир аяқидан бу кўрсаткич анча юқори бўлиши, табиий.

Олег ТОЛКАЧЕВ — Россия Федерацияси Кенгашининг аъзоси:

— Аввало, таъкидлашни истардимки, россияликлар Ўзбекистон ва ўзбекистонликларни ниҳоятда ҳурмат қилишади. Айни пайтда ўзаро алоқаларимизнинг кундан-кунга ривожланиб бораётгани қувончли ҳолдир.

Биз ҳам сиздаги каби демократик жамият куриш йўлидан бораёلمиз. Мақсадимизга эришиш учун бу жараёнга жиддий эътибор қаратмоғимиз лозим. Шу тўғрисида мен мамлакатингизда бўлиб ўтаётган сайловларнинг демократик таъминини тўғри келишига ҳолисона баҳо беришга ҳаракат қилдим.

Ҳозиргача бир неча сайлов участкаларига бордим. Уларда сиёсий таъбирга жиддий тайёргарлик қўрилганининг гувоҳи бўлдим. Сайловчилар ҳам бу таъбирга бефарқ эмас. Бу эса уларнинг ўз келажиги, қолаверса, Ватан истиқболига бўлган муносабатини белгилайди. Сайловчилар билан суҳбатда бўлганимда, улар сайловларга кўр-кўрона, билиб-билмай эмас, балки онгли, чқур ўйлаб куриб кейин келганига амин бўлдим. Яна уларнинг фаллиги ҳам эътиборимни тортди.

Айтмоқчиманки, ўзининг эртасига бефарқ бўлмаган мана шундай халқнинг келажиги порлоқ бўлиши, шубҳасиздир.

Селим ДОНИЁРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



СОНГ Хон Сукха — Сеул округи прокуратураси бош прокурори, Корея Республикаси 15-16 — чақириқ Миллий ассамблеяси депутати:

— Мамлакатингизга шу йилнинг август ойида ҳам келганим. Ушунда сайловлар жараёни энди бошланаётган эди. Юртингизда сайловларга қандай тайёргарлик қўрилгани билан танишдим. Кузатувчиларимдан маълум бўлдики,

Ўзбекистонда мазкур сайловларга жуда пухта ҳозирлик қўрилган ва ушбу сиёсий таъбир демократик таъминини таъминлади. Бундан ташқари, сайловчилар фаоллик ҳамда уюшқоқлик билан овоз беришмоқда. Бу ҳам ўзига хос ижобий кўрсаткичдир.

Кореяда, одатда, президент сайловларида ўртача 70 фоиз, парламент сайловларида эса 65 фоиз апрофидда овоз берувчи қатна-

## Мутахассислар Австралияга борадилар

Ангрендаги радиотехника коллежига ташриф буюрган Осие тараққийёт банки вакиллари у ерда амалга оширилган ишлардан мамнун бўлдилар. Дарвоқе, Тошкент вилоятидаги ушбу коллеж раҳбарияти етакчилигида жамоа кўпгина юмушларни удрлади. Уқув маскани фаолияти жонланди. Илм топибларига таҳсил бериш даражаси ўсди. У ерга келган меҳмонлар Япониядан, Жанубий Кореядан келтирилган радиоэлектроника жиҳозлари, офис учун таъмирлаш ускуналарини тингловчилар жамиятида эканлигига гувоҳ бўлишди.

— Яна бир қувончли томони шуки, мутахассисларимиз тажриба алмашиш учун Австралияга таклиф қилиндилар. — дейди коллеж директори М. Қомиллова.

Қ. ЭШМАТОВ.

## ДАСТАЛАБКИ ЯКУНЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлди.

Унда Марказий сайлов комиссиясида аккредитация қилинган мамлакатимиз ва хориж журналистлари, халқаро кузатувчилари, халқаро кузатувчилари Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев билан суҳбатда иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев сайловда сайловчиларнинг 12 миллион 197 минг 159 нафари, яъни 85,1 фоиз қисми овоз бергани сайловнинг бўлиб ўтганлигидан далолат эканини таъкидлади.

Сайловни ўтказишда Марказий сайлов комиссияси уч босқичдан иборат Харакатлар дастурига асосланиб иш олиб борди. Аввало, сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик қўришга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг июль-август ойлари давомида сайлов тўғрисидаги янги

қонунлар қоидаларини аҳолига кенг тушунтириш мақсадида турли анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилди. Зарур адабиётлар нашр этилди ва жойларга тарқатилди.

Иккинчи босқич сайлов кампанияси бошланиши эълон қилинган кундан эътиборан сайлов жараёнини расмий таъбирларни ўтказиш билан боғлиқ ишларни ўз ичига олди. Хусусан, сайлов округ ва участкалари ташкил этилди ва жиҳозланди, округ ва участка сайлов комис-

сиялари таркиби тасдиқланди. Сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўриш доимий эътиборда бўлди.

Ҳозирги, учинчи босқич вазифалари даставвал овозларни санаб чиқиш, округлар ва бутун мамлакат бўйича сайлов якунларини чиқариш билан боғлиқ таъбирларни кўзда тутди. Марказий сайлов комиссияси раиси бу борадаги ишлар қонунда кўзда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилаётганини қайд этди.

Марказий сайлов

комиссиясининг сайлов натижалари тўғрисидаги қарори ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг рўйхати ўн кунлик муддат ичида матбуотда эълон қилинади.

Б.Мустафоев сайловни ҳолис ва кенг ёритишда иштирок этган оммавий ахборот воситалари вакиллари, сайлов жараёнларини демократик руҳда, қонун доирасида, очик ва ошқора ўтишини кузатиб борган халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар вакиллари миннатдорлик билдирди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

(ЎЗА).

## «Ёшлар фаоллигидан мамнун бўлдим»

— дейди халқаро кузатувчи, «Фукушима — Ўзбекистон» маданий-иқтисодий алоқалар ассоциацияси ижрочи директори Тошио Шишидо

— Ҳаётимнинг сўнги чорак асри менга она юртимдай қадрдон бўлиб қолган Ўзбекистон билан боғлиқ кетган. Демокриманки, буюқ тарихга эга бўлган, шарқона удмурт, маросимлар, маориф-у маданият яхлит сакланиб қолган юртини талитлар тузум ҳамда истиқбол йилларида эришган оламшумул ўзгаришларни кўришга, таққослашга эга кузатувчилардан бириман.

Мени сайлов жараёнларида ёшларнинг фаоллиги, юрт келажиги, эртаси учун бефарқ эмаслиги мамнун қилди. Фарғона давлат университетиди, Кўкон шаҳридаги 150, 153-сайлов участкаларида овоз бериш учун келган ёшлар билан дилдан, самимий мулоқотлардан шундай хулосага келдимки, юртингизнинг бундан ўн йил аввалги ёшлари би-

лан бугунги ёшлари ўртасида жуда катта фарқ бор.

Педагогика коллежи биносида жойлашган 153-сайлов участкасида рўйхатга олинган 1393 сайловчининг 70 фоизини ёшлар ташкил этаркан. Уларнинг 983 таси тушликка қадар ўзларининг конституцион бурчларини адо этишибди. Япониядаги сайловчиларнинг иштироки билан солиштирилса бу жуда катта гап. Айниқса, биринчи бор овоз беришга келган қора кўз, жамалак соч қизча менга икки палатали парламент тизими, хозирги сайловчиларнинг илгариги сайловчилардан фарқи, афзаллигини бийрон-бийрон қилиб сўйлаб берганлигини сира ёдимдан чиқармайман.

Набижон СОВИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Бугуннинг гапи

Мустақиллик даврида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида инсонга муносабат тубдан ўзгарди. Инсон — борлиқдаги энг олий, энг бебаҳо қадриятдир! Масала Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ана шундай қўйилган. Утган йилларда республикамиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, ҳужжатлари қарорлари диққат марказида инсон ва унинг манфаатлари турибди. Фақат ҳужжатларда эмас, балки мамлакатда кенг қўламада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий фаолият ҳаётимизни йил сайин обдонлаштириш ва аҳоли турмушини фаровонлаштиришга қаратилган.

## Инсон — энг олий қадрият

Лоақал, ҳар бир йилга аниқ бир ном берилиши, йил давомида инсон манфаатлари билан боғлиқ бирон-бир соҳани ёки улкан бир муаммони ҳал этишга бутун давлат ва жамиятнинг куч-имкониятлари сафарбар этилаётганини бир эслайлик! Бундай ўзига хос, моҳиятан олижаноб савий-харакатларнинг узак-ўзигада инсонпарварлик ва яна инсонпарварлик барқ уриб турибди.

Мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган туб ўзгаришлар қаторида, бугун жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида, бевосита жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги қонунчиликни либераллаштириш жиҳазларида ҳам ислохотлар бораёпти. Бу ислохотларнинг мазму-

ни, аввало, кўп асрлик тарихимиз, маданиятимиз, миллий анъаналар ва инсонпарварлик эътиқодларимизга таянса, иккинчидан, улар халқаро демократик ҳуқуқий нормаларга ҳамоханлиги билан ажралиб туради. Бунинг натижасида жинсий жазоларни белгилаш жараёнларида фуқарога инсонпарварлик ва меҳр-муруватлилик билан ёндошув таъминланадиган эски шўро тузуми давриндан қолган инсонга нисбатан шафқатсизликка асосланган чоратadbирлар ўрнини тобора фаолроқ эгалламоқда.

Президентимизнинг шу йил 1 декабрда имзолаган навбатдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн

(Давоми 2-бетда).



## Ярим йилга чўзилган сайлов



Айни пайтда Украина Марказий сайлов комиссияси овозларни санаб бериш давомида сайлов бюллетенларининг 98 фоизи санаб чиқилди. Дастлабки маълумотларга кўра, муҳофизатчи Виктор Ющенко 52,38 фоиз, Виктор Янукович эса 43,83 фоиз овоз жаммаган. Виктор Янукович ўз мағлубиятини тан олганича йўқ. Агар у мазкур сайловда ғалаба қозонмаса, муҳофизат ташкили қилишни режалаштирмакда. Януковични асосан мамлакатнинг шарқий қисмидаги Луганск ва Донецк вилоятлари аҳолиси қўллаб-қувватлади.

Айни пайтда муҳофизатчилар ўз ютуғини нишонлашяпти. Мустақиллик майдонида улар «Ғалаба намойиши»ни ўтказишмоқда. Қатнашчилар охириги натижалар эълон қилинмагунча намойишни давом эттиришмоқчи.

Ющенко штабида ташкил қилинган матбуот марказида 20 дан ортиқ мамлакатдан мингга яқин журналист, Европарламент депутатлари, расмий

кузатувчилар, дипломатик корпус вакиллари йиғилишди. Матбуот анжуманида Ющенко «Мустақил бўлганимизга 14 йил бўлди, бугун эса мутлақо эркин бўлдик», дея ўз фикрини ифодалади.

Хамдустлик давлатларидан катнашган кузатувчиларнинг таъкидлашича, сайловда мингга яқин қонун бузилиш ҳоллари учраган. Бироқ, Европарламент вице-президенти Яцек Саруш-Вольский Украина президентлиги учун бўлиб ўтган сайловлар Европа талбларига тўлиқ жавоб беришини таъкидлади.

## Мудофаа Вазирлиги оғоҳлантирмоқда

Хитой Мудофаа вазирлиги раҳбарияти Тайван ҳукуматининг оролга мустақиллик бериш борасидаги барча ҳаракатлари Хитой армияси ва халқи томонидан бартараф этилишини маълум қилди.

Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарда таъкидланишича, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар айни пайтда таранглашган. Мабодо орол ҳукума-



ти Тайвани мустақил давлат дея эълон қилгудай бўлса, Хитой армияси ҳарбий ҳаракатлар бошлаб юбориши ҳам мумкин.

## Ҳукумат қароргоҳи сотилди

«Интерфакс» тарқатган

хабарда айтилишича, Американинг Basel Group компанияси Грузия ҳукумати қароргоҳини сотиб олди. Қрцанск ҳукумат қароргоҳи 15 миллион долларга сотилди.

Давлат девонхонаси вакилининг маълум қилишича, мазкур мажмуа 44 гектар жойни эгаллаган. Эндиликда қароргоҳдан тушган маблағ шаҳарнинг кўча қисми — Авлабар туманида янги президент қароргоҳи қурилиши учун сарфланади.

## Маҳмуд Аббос талаби

Фаластин муваққат маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос Исроилни Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ҳамда Ғазо секторини қамал қилишни тўхтатишга чаклади. Бундан ташқари, сиёсий маҳбусларнинг барчаси озод этилишини талаб қилди. Маҳмуд Аббос ўзининг бу чиқиши билан Фаластин мухторияти раислиги учун сайловолди кампаниясини бошлаганини маълум қилди.



## Сайёҳлар гаровда

Колумбияда исёнчилар мамлакатнинг шимолӣ худудида жойлашган Антиокиа музофотида 40 нафар сайёҳни гаровга олди. Ҳарбийлардан бирининг айтишича, Колумбия Инқилобий курашчи кучлари жангарилари Сан-Рафазел шаҳри яқинида жойлашган дам олиш оромгоҳига бостириб кирган. Исёнчилар гаровдагиларнинг қариндошларидан катта миқдорда пул талаб қилишмоқда.

Ҳукумат Рождество байрамининг тинч ўтказилиши учун қўшимча 120 минг нафар хавфсизлик ходими сафарбар этилишини маълум қилди.



## «Сорос-Қозоғистон»га нисбатан жиноий иш қўзғатилди

Қозоғистонда Алматы шаҳри бўйича Иқтисодиёт ва коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан «Сорос-Қозоғистон» хайрия фондига нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Фонд солиқларни тўлашдан бош тортганликда айбланмоқда. Солиқ идораси фондининг молиявий фаолиятини текшириб чиққандан сўнг жиноий иш очилди. Текширув мобайнида фонд 2002 йил 1 январдан 2004 йил 31 мартга қадар 81 миллион тенге (1 доллар 130 тенге) солиқ тўламаганлиги маълум бўлди.

## Ҳисоб рақами музлатилди

Англия банки «Ал-Қоида» ташкилотига алоқадорликда айбланётган саудиялик сиёсий маҳбус Саад Фокиҳга тегишли деб гумон қилинаётган ҳисоб рақамни музлатиб қўйди. Саад Фокиҳ Лондонда яширин ҳаёт кечириётган. У ўзига қўйлаётган барча айбловларни инкор этмоқда.

Бироқ Буюк Британия Молия вазирлиги вакилининг сўзларига қараганда, Фокиҳ номидаги ҳисоб рақамидан бир неча бор террорчилик ташкилотларига маблағ кўчирилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Бундан ташқари, вазирлик вакили Саад Фокиҳ БМТнинг «Ал-Қоида» билан алоқадор шахслар бўйича рўйхатига киритилганлигини ҳам таъкидлади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.





# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Чорак асрдан сўнг...

Ўтган ҳафтада Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида маҳаллий органларга сайловлар бўлиб ўтди. Айтиш лозимки, бундай сиёсий тадбир Фаластин худудида охириги марта 1976 йили бўлиб ўтган.

Сайловларда Иерихон шаҳри ҳамда 26 та аҳоли яшовчи пункт маҳаллий кенгашлари депутатлиги учун 887 нафар номзод иштирок этди. Овоз берувчиларнинг умумий сони эса 140 минг нафардан зиёд кишини ташкил қилди.

Кузатувчилар мазкур сиёсий тадбирни келгуси йили 9 январда Фаластин мухторияти раислигига бўлиб ўтадиган сайловлар олдидан тайёргарлик сифатида баҳолашмоқда. Яна ушбу сиёсий тадбир худудда рақиблар ҳисобланадиган ФАТХ ҳаракати ва ҳарбийлашган ХАМАС гуруҳи учун синов деган фикрлар ҳам мавжуд. Сиеъатшунослар, ай-

нан, мана шу сайловларда омма қайси томонни кўпроқ қўллаб-қувватлашини аниқлаш мумкин бўлишини таъкидлашаётди.

Маълумки, январда Фаластин мухторияти раислигига бўлиб ўтадиган сайловларда ФАТХ илгари сурган номзод Маҳмуд Аббоснинг имкониятлари юқори баҳоланмоқда. ХАМАС эса ушбу сиёсий тадбирда қатнашишдан бош тортиб, барчани унда иштирок этмасликка чакирмоқчи.

Бироқ, ХАМАС гуруҳи ўз тарихида биринчи марта маҳаллий кенгашларга депутатлик учун номзодлар кўрсатди.

Мутахассислар ушбу сайловлар якунига кўра ХАМАСни Ғазодан ташқари худудларда қанчалик кўп қўллаб-қувватловчилар мавжудлиги аниқланишини айтишмоқда.

Сайловлардан аввал ФАТХ вакил-

лари ҳаракат тарафдорларининг ғалабасига шубҳа йўқлигини таъкидлашган.

— Ушбу сиёсий тадбирда асосий кураш ФАТХ ва ХАМАС ўртасида кечади. Фаластинликлар демократияни танлашмоқда. Бу эса ФАТХ ғалаба қозонишини билдиради, — деди ташкилотнинг юқори лавозимли вакилларида бири Хусайн Шаїх.

Худудда сайловлар ўтказиш пайтида хавфсизликни таъминлаш учун мингга яқин полициячи сафарбар қилинди.

Айтиш лозимки, маҳаллий органларга сайловлар фақат Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Фаластинга қарашли ерларда ўтказилди. Ғазо секторинида сайловлар қолдирилишига худудда овоз берувчилар ва номзодлар рўйхатини тўзишдаги қийинчиликлар ҳамда ис-



роиллик ҳарбийларнинг бу ерда олиб бораётган амалиётлари сабаб бўлди.

Сўнги маълумотларга қараганда, мазкур сайловларда ФАТХ номзодлари 26 маҳаллий кенгашдан 18 тасида ғалаба қозонган. ХАМАС гуруҳи ўз навбатида сайлов комиссиясининг натижалари нотўғри эканини маълум қилди. Улар 22 та маҳаллий кенгашда ютукка эришганини айтган.

Сайловларда умуман 82 фоиз овоз берувчи иштирок этди.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## 25 МИЛЛИОН ДОЛЛАР СЎРАШМОҚДА

Туркиялик тадбиркор Қаҳрамон Содикўғлу Ироқнинг жанубида жойлашган Умм-Қаср порт шаҳрида гаровга олинди. У билан биргаликда Туркиянинг икки фуқароси — кема ҳайдовчиси ва капитани ҳам жангарилар қўлига тушиб қолди. Содикўғлу Туркиянинг энг бой тадбиркорларидан бири саналади. У International Marine Contractors компаниясига раҳбарлик қилади.

Жангарилар Содикўғлунинг оиласидан 25 миллион доллар талаб қилишмоқда.

## Осиё мамлакатларида табиий офат

Индонезиянинг денгиз билан туташ қирғоқларида Рихтер шкаласи бўйича 8,9 баллик ер силқиниши кайд этилди. Бундан ташқари, Индонезия, Шри-Ланка, Хиндистон ва Таиланд қирғоқларига ўн метрлар баландликдаги цунами келиб урилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, йиғирма мингга яқин одам ҳалок бўлди. Ушбу табиий офатдан бир миллионга яқин киши жабр кўрди. Қирғоқ бўйида жойлашган дам олиш оромгоҳлари ва кишлоқлар бутунлай сув остида қолди.



Сўнги хабарлар окимини кузатар эканмиз, дом-дараксиз кетган хорижий сайёҳлар ҳақида ҳам турли маълумотлар тарқалмоқда. Бир қатор Европа давлатлари ушбу мамлакатлардан ўз фуқароларини эвакуация қилишни бошлади.

Шри-Ланканинг шарқий қирғоқларига келиб урилган цунами оқибатида 6500 нафарга яқин одам нобуд бўлди. Мамлакат президенти халқаро ҳамжамиятга ёрдам

сўраб мурожаат қилди. Халқаро Қизил Хоч жамияти 6 миллион доллар миқдорда инсонпарварлик ёрдамини ажратди. Европа Иттифоқи ҳам жабрланганларга ёрдам сифатида 3 миллион евро ажратди.

Хиндистон ҳукумати вакили берган интервьюда табиий ҳалокат мамлакатнинг 6 мингдан ортиқ аҳолининг ҳаётига зомин бўлгани маълум қилинган. 400 га яқин балиқчи бедарак кетган.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган табиий офат туфайли келтирилган зарар ҳозирча аниқланганича йўқ. Қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

Ю. БЎРОНОВ.



# «ЎЗДЭУ банк»

кўп миллионли Ўзбекистон халқини, ўз мижозлари ва барга ҳамкасбларини

## Янги — 2005 йил билан

гин дилдан таъбриқлайди!

Барганизга бахт-саодат,  
сўҳбат-саломатлик, оилангизга  
тойувлик, хотиржамлик,  
файзу бароқат, ишларингизда  
омад ва улкан зафарлар  
тилайди!

**Ҳамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!**



### «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ

### МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ

### КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

**2005 йили ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартнома-жадваллар тузади.**

**Шартнома-жадвалларни тузиш муддати — 2005 йил 1 февралгача.**

**Маълумот учун телефонлар:**  
114-37-03, 114-37-21.  
**Факс:** 114-36-90.  
**E-mail:** metrolog@sarkor.uz



## O'ZSANOATQURILISH BANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Хушхабар

**Болаларга ойдек кўринди**

Бука туманидаги «Меҳрибонлик уйи» биноси таъмирланаётганда 126 нафар тарбияланувчи вақтинча Паркентдаги «Сумча» лагерида яшаб туришганди. Кун кеча ўз уйларига қайтган тарбияланувчилар кўзига қадрдон жойлари ойдек кўринди. Сабаби, қисқа муддатда «Меҳрибонлик уйи» чиройли, шинам бир даргоҳга айлантирилгандики, кўверасиз.

Таъмирлаш ишларида вилоят ва туман ҳокимликлари 240 миллион сўмлик маблағ ажратган бўлса, «Ўзметкомбинат» 43 миллион сўмлик янги мебеллар тақдим этди. Бундан ташқари республика Бадий академияси болаларга кўлаб санъат асарларини совага қилди.

Ўз мухбиримиз.

**Талабаларга**

**Янги йил совғаси**

Жиззах педагогика коллежининг 1,5 минг нафардан зиёд талабаси Янги йил байрамини замонавий, янги ўқув жиҳозлари билан таъминланган бинода кутиб оладиган бўлиди.

«Камол» кўптармоқли хусусий курилиш фирмаси томонидан барпо этилган мазкур мажмуада спорт заллари, кутубхона, фаоллар зали ҳамда ошхоналар мавжуд. 4 та лингофон, 3 та компьютер хоналари талабаларнинг пухта билим олишлари учун хизмат қилади.

Бахриддин САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**2005 йил — Сихат-саломатлик йили**

Мулоҳаза юритиб кўрсак, тарихимизнинг 2005-саҳифаси Сихат-саломатлик йили деб номлангани мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён давлатимиз ички сибсатининг бош йўналишларидан бири халқ саломатлигини асраб-авайлаш, қадрлаш, истиқболли келажакнинг яратувчилари ва эгалари — баркамол авлод улғайиши йўлида олиб борилаётган ишлар, тadbирларнинг манфиқий давомидир.

Мустақиллик эълон қилингандан кейинроқ ҳуқуқимиз қабул қилган илк қарорлардан бири ногиронларга гaмхўрлик, эътиборни кучайтириш, реабилитация қилиш ҳақида эди. Мустақил давлатимиз тасвир этган дастлабки олий нишонлардан бири «Соғлом авлод учун» ордени бўлганлиги ҳам халқу миллатнинг энг бебаҳо бойлиги — саломатликнинг овоз юртимиз учун нечоғли аҳамиятли, қадри эканлигини кўрсатади.

Еши улуглар, ўрта ёшлилар босиб ўтган умр йўлига назар ташлаб фикр юритсак, ҳаётнинг ҳамма соҳасида бўлгани каби, кейинги ўн уч йил давомида тиббиётимизда ҳам неча ўн йилликларга татийдиган ўзгаришлар, янгиланишлар, тараққиёт юз берди. Бугунги кун ёшлири учун устидан захарли дорилар сепилиб турган пахта далаларида кексаё ёшларнинг ишлари, худди шу далалар чеккаларидаги тутларга осилган беланчаларда гудакларнинг кун-кунлаб ётишлари, тушлик пайтида огулган далалардан чиққан оналарнинг пахтазор ёқалаб кимёвий захарли дорилар қўшилиб оққан ариқларда юз-кўларини ювиб, болаларини эмизишлари... текширилганда ҳаттоки оналар сундан ҳам ўша дориларнинг зарралари топишганлиги тўғрисида эртандай туюлса, ажабмас. Ҳолбуки, булар республикамизда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, 70-йиллар охиригача давом этган, халқ саломатлигини емириб, оналар ва бола-

лар ўлими кўрсаткичларини собиқ иттифокдош республикалар орасида энг юқори ўринларга олиб чиққан хатлардан айрим лавҳалар, холос.

Халқни ёлгон шiorлар билан алдаган шўро замонида давлат учун одамларнинг саломатлиги эмас, улар келтирадиган моддий манфаатлар муҳим эди. Ким бўлишдан қатъи назар, унинг жамиятда тутган ўрни, обрўий давлат режаларига, хирмонларига қўшган

ги ёшлар у кунларни тасаввур этишлари ҳам қийин. Сабаби — республикамиз истиқлолга эришган дастлабки йиллардан бошлаб инсон, унинг саломатлиги жамиятнинг бетақор, бебаҳо бойлиги эканлиги, ҳар бир фуқаро гaнимат ва эъозлилиги эътироф этилди, бунинг амалий исботи уларок, тиббиётни халққа яқинлаштириш, аҳолига кўрсатиладиган хизмат савиясини ошириш учун амалий тadbирларнинг

қолса ёки бола қаттиқ иситмаласа, ўн-ўн беш қақирим ва ҳатто ундан ҳам узоқ туман марказидаги шифохонага олиб борилишига қанча ноҳуш воқеалар бўлган. Ҳозир эса ҳар ҳафтада шифокорларнинг уларни хонадонларга йўқлаб келадилар, текширадилар, маслаҳат берадилар.

Бугун республикамизнинг энг чекка ҳудудида ашайдиган аҳоли ҳам зарур бўлганда биринчи ма-лакали тиббий ёрдам олиш имкониятига эга. Чунки жойларда қурилиб, ишга туширилган қишлоқ врачлик пунктлари республика Соғлиқни сақлаш вазирли-

биз янада малакали хизмат кўрсатиши ўрганишимиз керак.

Яна такорр таъкидлашни истардимки, собик совет давридаги ҳужжатларда қайд этилмаган «ҳамма шарт-шароитлар марказ учун» деган тамойил тиббиётимизда қолдирган асоратлар кейинги уч-тўрт йил ичида барҳам топа бошлади. Ана ўша асоратларнинг аччиқ ме-васи оналар ва болалар ўлимининг юқорилиги эди, нобуд бўлганларнинг асосий қисми чекка ҳудудларга тўри келарди. Кейинги йилларда бу кўрсаткичлар йилма-йил камай бошлади. Бунинг аҳамиятини аёл — онани оиланинг офтоби деб биладиган, болаларни яшамокнинг асл мазмуни деб севиб ардоқлайдиган халқимиз те-ран хис қилади.

Беихтиёр савол тўғрисида: қўш, шундай ишлар Давлат дастурлари асосида амалга оширилиб бораётган бир пайтда яна янги йилни Сихат-саломатлик йили деб аташдан мақсад нима?

Статистик маълумотларга қараганда, ҳар бир инсоннинг саломатлигига таъсир этувчи омилларнинг ярмидан кўпи, аввало, унинг ўзига, ҳаёт тарзига боғлиқ. Ҳеч қандай замонавий тиббиёт асбоби, муолажа усули, таъсирчан дори-дармонлар одамларнинг онгли, тўғри яшашлари каби соғу саломатлигини кафолатлай олмайди.

Ватанимиз тиббиётига жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ил-фор технологияси, замонавий ус-лублар кириб келса, булардан вақтида, самарали фойдаланиш билан бирга, бетақор умри-мизнинг бебаҳо бойлиги — саломатлигимиз ҳақида, энг аввало, ўзимиз гaмхўрлик қилайлик. Бундай фазилат, онгли турмуш тарзи фарзандларимизга, наслимизга ибрат, аънана бўлсин. Худди мана шу маънода 2005 йил юртимизда инсон ўз қадру қимматини янада чуқурроқ англаш йили, ҳар бир фуқаро саломатлиги давлатимиз, келажакимиз учун нечоғли азиз эканлигини амалда яна бир қарра исботлаш йилига айланажак.

Муҳтарам УЛҒИ,  
Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

**БЕБАҲО БОЙЛИК**

хиссаси билан белгиланарди.

Бугун бу ҳақда гапириш осондек туюлади, лекин... Тасаввур қилинг: ҳозир ёши 50 дан ошган оналар сўзлаб берадилар, улар икки ойлик чақалоқларини яслига топшириб, ишга чиқишга маж-бур эдилар. Агар шундай қилмасалар, иш ўринлари сақланмас-ди, ўз-ўзидан ишдан бўшардилар. Бир умр пахтакор бўлган фарго-налик Мақсуда Каримова алам билан шундай хотирлайдилар:

— Олтига фарзанд кўрган бўлсам, ой-куним етгунча, охириги лаҳзаларгача пахтазорда ишлаганман. Қайси кун тонгда дар-возам очилмай қолса, кўнунг қўшларини мана шундан менинг турғуқонага кетганими билиш-ган. Кўзим ёригандан кейин ҳам бир ҳафтагина чақалоғим билан ўтирганман, холос, ишга чиқиб ке-тардим. Чунки бригадир, раис бўлдим, мендан фақат пахтачи, режани сурашарди. Агар кунлик режани бажармасак, бу аёл-ку деб аяб ўтиришмасди, райкомда тон-гача давом этадиган бюрода тик туришимга тўғри келарди...

Аллоҳга беадад шукри, бугун-

изчил тизими ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Дарвоқе, ўтган аср-нинг 90-йилларида республика-миз қишлоқ ҳўжалигида, айниқ-са, пахтачиликда захарли кимё-вий дори-дармонлардан фойда-ланишга узил-кесил чек қўйили-ши миллат гeнофондида таъсир этиши шубҳасиз бўлган фожиа-ли асоратларнинг олдини олди.

2000 йилнинг — янги аср бо-шининг мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб аталгани айна борадаги ишларнинг муқаддима-си эмас, балки ҳаётимизнинг ус-тувор йўналишларидан бирига айланиб бораётган тиббиётни ислоҳ қилишдек умумдавлат, умумхалқ ишга яна ҳам кийди-роқ эътибор қаратилиши эди. Она ва бола йилида халқу мил-латимизнинг соғлом насли, соғ-лом авлод улғайишининг бош омилли — оналар ва уларнинг саломатлигини асраш, мустаҳкам-лаш бош вазифалардан бўлди.

— Биз ҳомиладор, ёш болали бўлган пайтларимизда бундай хурмат қаерда эди? — деб эс-лайди Гулчехра момо Раҳимова.

— Ҳомиладор аёлни дард туйиб

ги ҳамда Жаҳон Тараққиёт банки томонидан энг замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозлан-моқда. Бундай шифо масканла-ри йилдан-йилга кўпаймоқда. Вилоятлар марказларидан юзлаб километр олинсада чекка, тоғ қишлоқларида қад тиклаган қишлоқ врачлик пунктлари ҳам са-ломатлик, ҳам одамлар тиббий маданиятини ошириш марказла-рига айланиб қолди.

Табиики, замонавий тиббий асбоб-анжомларда ишлаш учун малакали ходимлар талаб қили-нади. Шунинг учун ҳам ҳамши-ралардан тортиб, олий тоифали шифокорларгача пойтахтимизда, чет мамлакатларда малака оши-риш, даволашнинг илгор техно-логия ва услубларини ўрганиш-лари мунтазам режага тушган.

— Мен ақинда малака ошириш учун Исроил давлатига бориб келдим, — дейди Нурота тумани Алишер Навоий қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Феруза Ад-жова.

— Тиббий асбоб-анжомлар, жиҳозланиши олсак, у ердаги имкониятлар билан биздаги ша-роитлар деярли бир хил. Фақат

**Спорт**

**Оғир атлетика**

Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги республика Олимпия захи-



ралари коллежидо оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида биринчилиги ва рес-публикада хизмат кўрсатган мураббий Юрий Арутуянчи хо-тирасига бағишлан-ган аънавий халқ-қаро турнир бўлиб ўтди.

Мусобақада мам-лакатимиз вакилла-ридан ташқари, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Рос-сия давлатлари спортчилари ҳам иштирок этдилар. Қатнашчилар сони биринчи марта 250 нафардан ошганли-ги оғир атлетика-нинг оммавийлаша-ётганлигидан дало-лат бермоқда. Биринчиликда илк бор Қашқадарё, Жиззах ва Сирдарё вилоят-ларидан ҳам спорт-чилар қатнашди.

Беш кун давом этган кўлашулар якунига кўра, асо-сий совринли ўрин-лар мамлакатимиз спортчиларига на-сиб этди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Ан-дижон, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Навоий вилоятлари вакиллари мусоба-қада фаол иштирок этдилар.

Беш кун давом этган кўлашулар якунига кўра, асо-сий совринли ўрин-лар мамлакатимиз спортчиларига на-сиб этди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Ан-дижон, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Навоий вилоятлари вакиллари мусоба-қада фаол иштирок этдилар.



**Шахмат**

Бухорода шахмат бўйича ўсмирлар ва кизлар ўртасида Ўзбекистон бирин-чилиги бошланди.

Унда мамлаката-мизнинг барча ҳудудларидан келган 62 нафар ёш иқти-дорли шахматчи голиблик учун дона сурмоқда. Голиблар номи 30 декабрь кун маъл-лум бўлади.

Ўз мухбиримиз.

**ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ИПОТЕКА БАНКИ**

**“ЗАМИН”**

**Ўз акциядорлик, миқозлари, ходимлари ва барча Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги йил билан чин юракдан муборакбад этади!**

**Сизга соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт, тинчлик ва хотиржамлик, Янги йилда янги зафарлар тилаймиз.**

**“ЗАМИН” ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ИПОТЕКА БАНКИДА БУГУНГИ КУНДА МАВЖУД БУЛГАН ОМОНАТ ТУРЛАРИ**

Омонат тури	Омонат номи	Муддати	Фоииз ставкаси (йиллик фоииз)	Изоҳ
1.	Талаб қилиб олингунча омонат		10%	1000 сўмдан юқори
2.	Жамғарма омонат	“Авто” 1 йилдан 3 йилгача	10%	
3.	Жамғарма омонат	“Ипотека” Капитализация ҳисобидан 1 йилдан 3 йилгача 3 йилдан 5 йилгача	33%	1000 сўмдан юқори
4.	Жамғарма омонат	“Нуроний” 1 ойдан 12 ойгача	21-32%	20 000 сўмдан 240 000 сўмгача
5.	Муддатли омонат	“Замин” 3 ойлик 6 ойлик 12 ойлик	28% 30% 32%	1000 сўмдан юқори
6.	Муддатли омонат	“Оптим” 1 йилгача	22,5%	“Олдиндан фоииз тўлаш” 100 000 сўмдан юқори
7.	Муддатли омонат	“Сарвинос” 45 кун	36%	50 000 сўмдан 1 000 000 сўмгача 2004 йил 31 декабрга қадар
8.	Муддатли омонат	“Эгасига тақдим этилувчи” 3 ойма	28%	100 000 сўмдан 1 000 000 сўмгача

**QBS Mix Market**

**ОФИС МЕБЕЛИ САЛОНИ**

15 ХИЛДАН ОРТИҚ КАБИНЕТ МЕБЕЛЛАРИ  
2,5м.дан 7м.гача БУЛГАН КОНФЕРЕНЦ-СТОЛЛАР  
ТУРЛИ ХИЛ ШКАФЛАР ТУПЛАМИ  
КОНФЕРЕНЦ-КРЕСЛОЛАР  
ТЕАТР КРЕСЛОЛАРИ  
ОФИС ТУСИҚЛАРИ  
ЧАРМ КРЕСЛОЛАР  
ЮМШОҚ МЕБЕЛЬ

Шикар - FC 1705 - 972 300 сўм.  
Кабинет йўқали - FD 09 - 1 483 650 сўм.  
Чақи кресло - 275 000 сўм.

**2005 йил йўқалидан янги намуналар!**

Бизнинг манзил:  
А. Темура-Эрвешев кўчаси, 2-уй (мўлжал - “Қозоғистон” кинотеатри, Юнусовод тумани солиқ инспекцияси қирғисиде).

Тел. 135-74-47, тел./факс 135-41-59. E-mail: qbs@sarkor.com, www.mixmarket.uz

**ТАШКИЛОТ ВА ҚОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!**

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ,  
«ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

Мулукот учун телефонлар:  
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01;  
132-03-62, 186-12-94.

«ГАЗ-31105»  
«ИЖ-2717»  
«ГАЗЕЛЬ»  
«ВАЗ-2106»

**«G'ALLA-ALTEC» ОАЖ**

2005 йил 5 январь кун соат 15.00да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида маълум қилади. Йиғилиш ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 37-уй.

**Қўш тартиби:**

1. ОАЖ бошқарув раиси тўғрисида.
2. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
3. ОАЖ низомига ўзгаришлар киритиш тўғрисида.

Мурожаат учун телефонлар:  
**67-53-10, 68-36-51.**

Кузатув кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси аппарати жамоаси маъсул ходим Баҳодир Юлдашевчи Ҳақимовга акалари

**Рустам ҲАКИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси Республика радиосининг «Дустлик» канали директори А. Даминовга ҳамда Тошкент телевидениеси катта муҳаррири, хизмат кўрсатган журналист С. Даминовга оталари, шoir, кекса журналист

**Рўзният ота ДАМИНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси Самарқанд давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори

**Баҳодир Тошўлатович ШЕРМУҲАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чу-қур ҳамдардлик билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети жамоаси Умумий кимё кафедраси доценти Муяссар Иргашевага турмуш ўртоғи

**Қобил РАҲИМЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**

**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. Болшев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам бўлими рўйхатга олинган.  
Бюромига Г-264, 21387 нусxada босилди.  
Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.  
Қопчи бўлими А-2.  
Газета ИВМ компьютерла терида ва операторлар Жамшед Тогоев ва Баҳодир Файсиа томонидан сақлаб қилинди.

Тахриратда ҳақми 5 қотадан зиёд материаллар қабул қилнамайди.  
(П) — Тошкент материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ҲаА якуни — 22.30 Тошшириди — 22.35

● **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев.  
Навбатчи — Ҳ. Каримов.  
Мусаххачи — Ш. Машраббоев.

2345